

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА  
BAZIRLIGINING MARKAZIY MATBUOT  
ORGANI

● 2004 йил, 22 апрель, пайшанба № 48 (1936).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган,  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 22 апреля, 2004 г. № 48 (1936).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

## Юксак маънавият — келажак пойдевори

Истиқдолнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда маънавий, маърифий соҳадаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Фармонига мувофиқ Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилган бу борадаги муҳим қадамдир. Мазкур марказнинг ташкил этилганига яқинда ўн йил тўлди. Шу муносабат билан Марказ раҳбари Қуддус АЪЗАМ ўзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳар бир халқнинг ўз маънавиятини тирадан англаб етатиш миллатнинг ўзига бўлган ишончини мустақамлашди, эътиқод ва қадр ҳиссини бойтади. Шўро даврида ҳукмрон мафкура тазйиқи билан миллий маънавиятга эътибор берилмади, тўғрироғи, у ҳар жиҳатдан камситилди. Оқибатда халқимиз ўз маънавий меросини тўла-тўқис ўрганиш имкониятидан маҳрум этилди.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданияш ва диний меросини ўрганишга, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан маънавий соҳада бошланган туб ислохотлар халқимиз руҳида келажакка бўлган ишончини мустақамлашди, миллий ўзликни англаш имконини берди.

Мустақиллик маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган тилимиз ва маданиятимизни тараққий эттиришга, халқимиз ва айниқса, ёшлар қалбига миллий гурур, ватанпарварлик каби туйғуларни мустақамлашга кенг йўл очди. Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида маънавий-маърифий соҳадаги ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бундан ўн йил муқаддам, 1994 йил 23 апрелда Президентимиз Фармон билан халқ маънавиятини юксалтириш, кишиларни озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу ва улғувор мақсадлар сари сафарбар қилиш, миллий қадриятларни тарғиб этиш, ёшларни ватанпарварлик, фидойилик руҳида тарбиялаш мақсади-

да Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилган. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларда унинг бўлимлари фаолият юритмоқда.

1999 йили Марказ ишига бевосита раҳбарлик қилиш, унинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларда бўлимлари бўлган Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таъсис этилди. Марказимиз эса ана шу Кенгаш қарори ва кўрсатмаларини жойларда амалга оширувчи ва тарғибот-ташвиёт тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳга айлантирилди.

Маънавий салоҳият, ақлзаковат устуворлиги, ғоявий кураш етакчи ўринга чиққан ҳозирги даврда Марказимиз ҳамда Кенгаш «Наҳолатга қарши маърифат» шiori остида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Марказнинг асосий вази-фаси — жамоатчилик онига истиқлол ғояларини сингдириш, айниқса, ўсиб келатган ёш авлодда миллий ғоя ва умумбашарий қадриятларга асосланган дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бугунги кунда Марказимизда тарғиботчиларни мувофиқлаштириш ташкилий бўлими, маънавий-маърифий тарғибот бўлими, ижтимоий-иқтисодий тарғибот бўлими ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатяпти.

Марказ маърифий-тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлигини, мунтазамлигини таъминлаган ҳолда долзарб мавзудан турли маъруза, суҳбат ва баҳслар, семинар ва анжуманлар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқиш-

лар уюштириш йўли билан мамлакатда амалга оширилатган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишни кундалик фаолиятига айлантирган.

Бунинг учун эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, энг асосийси, ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан одамлар қалбига йўл топа оладиган фидойи, зиёли ҳамюртларимизга таянашимиз ва улар орқали фаолият кўрсатяпмиз.

Бу борада турли вазирликлар, муассаса ва ташкилотлар, икюдий уюшмалар, Республика хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Намолот», «Экосан» каби жамғарма ва ижтимоий ҳаракатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни вақтда мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда бевосита маънавият масалалари билан шугуллангани мутахассислар савияси ва билиминини оширишга кўмаклашмоқдамиз.

Ғоявий кураш бутун дунёда тобора нескинлашиб бораётган ҳозирги давр Марказ олдида кўпгина долзарб вазифаларни қўймоқда. Миллий қадриятларни тарғиб ва ташвиқ этиш, ёшларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш янги, замон талаблари даражасидаги усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, юксак маънавият — келажак пойдевори. Бинобарин, соғлом маънавий муҳит устувор бўлган жамиятдагина тараққийёт бўлади. Бугун ҳар биримиз шу муҳитни мустақамлашга, халқимизнинг асрий орзумидларини рўёбга чиқаришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Зеро, халқнинг обрў-эътибори, жаҳон миқёсидаги мавқеи унинг юксак маънавияти ва маърифати билан ҳам белгиланади.

ЎЗА мухбири  
Назокат УСМОНОВА  
суҳбатлашди.

● ЯНГИ АНЪАНАЛАР — ҲАЕТГА

## Бир-биридан завқланиб

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини амалга ошириш мобайнида Қуролли Кучлар сафига жаунаётган ва резервга бўшагилётган йигитларни танталали кузатиш маросимларига кўпгина янгиликлар ҳам киритилмоқда.

Сешанба, 20 апрель кунин Тошкент гарнизонинда бўлиб ўтган тадбир армияга чақирилган ва ундан резервга кетаётганларни учраштириб, яна бир янгиликка асос солинди.



Кўнглиннга яқин инсон билан хайрлашишда барибир хурсандчиликдан кўра мунг кўпроқ бўлади. Армия сафларига бораётган ўғилларини кузатишга келган айрим оналар кўз ёшини ҳам шунинг учун кўргим келмайди. Она барибир онада, фарзандини бағридан бир кунга бўлса ҳам олисга чиқаргиси келмайди.

Ҳарбий аэродром қўналгасида тўпланган чақирилувчилар оналари кўзларида соғинч ёши кўринмаганидан ичмидан хурсанд бўлдим. Сабабини эса чилонзорлик Фурқат Қурбоналиевнинг волидан муҳтарамаси Раъно опадан сўраганимда, бундай жаваб олдим:

— Тўғри, кузатиш осонмас, унинг устига Фурқат менинг ёлғиз ўғлим. Мана, синглим Гулчеҳра билан кузатишга келдим, менга далда бўлсин, деб. Аммо, мадад керак бўлмади — шу ерда сафланган резервга

бўшаётган аскарларга кўзим тушиб, уларга ҳавасим келди. Демак, бир йилда менинг Фурқатим ҳам шундай алпқомат ўғлон бўлиб, ёруғ юз билан бағримга қайтаркан-да! Ушбу фикр менга ҳаммадан ҳам кучли далда бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, армияга бораётган йигитларнинг ўзлари ҳам ҳарбий либоси ярашган аскарларга қараб, улар билан суҳбатлашиб, завқ олаётгани — Ватан ҳимоячилари сафига тезроқ қўшилишга интилиш сезиларди, ҳаракатларидан. Жонажон ҳарбий жамоаси билан хайрлашганидан бироз хомуш торган аскарлар ҳам чақирилувчиларга нигоҳлари тушиб, ўзларининг армиядаги илк қадамларини эслаб, беихтиёр жилмайишди ва ўз ўриларига муносиб йигитлар келатганликларидан руҳланишди.

(Давоми 2-бетда).

● СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

## Сабоқлар учун замин

Маълумки, синов машғулотлари саф кўриги билан бошланади. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Посбоннинг ҳарбий либоси, бириктирилган қурол-аслаҳа, аниқомлари, ҳарбий гувоҳномаси, қўйингики, шахсий гигиена воситаларига чараинкомлигини текшириш, унинг жанговар шайлигини текшириш билан баробар. Дейлик, тревога сигнали янграб, зудлик билан жанговар қуролим тайёр эмас, ҳали асбоб-анжомлар бутлигида камчилик бор, дейиш ярамайди-да.

Капитан Эивер Маджитов командирлик қилаётган мотоўқчилар батальонининг катта лейтенант Но-

дир Жўраев сардорлигидаги взводида бу борада айрим камчиликлар қайд этилди. Ана шулар асосида фикримизни давом эттирсак. Аввало ушбу взвод посбонларининг шахсий гигиена воситаларида йўқ экан. Маълум бўлдики, мазкур воситалар плац четига қўйилган қутига солинган. Ушбу ҳолатга Мудофаа вазирлиги комиссия аъзолари ўз фикрларини билдириб, жамоа командирига бу хатони тўғирлаш бўйича кўрсатмалар беришди. Енидаги взводларда эса шахсий гигиена воситалари талаб даражасида қопчиққа жойлаш-

(Давоми 2-бетда).

● 22 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО ОЛАМНИ АСРАШ КУНИ

## ТАБИАТШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Жаҳонда иқлим ўзгариши, ҳаво озон қатламнинг емирилиши, биохилма-хилликнинг камайиб кетиши инсониятни жиддий ташвишга солаётган муаммолар сирасига киради.

Юртимизда экологик мувозанатни сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган қатор лойиҳалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ

этилаётир. Оролбўйидаги ноқулай вазиятни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида аҳамият берилляпти. Вазирлар Маҳкамасининг Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Оролбўйи генотондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қа-

рори бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасида Халқаро оламни асраш кунини муносабати билан олимлар, мутахассислар, талабалар, халқаро лойиҳалар вакиллари иштирокида ташкил этилган анжуманда шу хусусда сўз борди.

Б. ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

тирилган. Оддий аскар Дилмурод Холматовнинг автомати пичогининг ҳарбий гувоҳномада қайд этилган номери пичоқ номерига тўғри келмайди. Бундан ташқари айрим қайдлар ус- тидан бўлиб, тузатишлар. Од- дий аскар Асқар Бердику- ловнинг ҳарбий гувоҳнома- сида эса ёзилгани керак бўлмаган қайдлар мавжуд. Ҳарбий гувоҳнома билан боғлиқ камчиликлар ко- миссия аъзолари эътиборини тортди. Аниқроғи, айрим шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг эгаллаган вазифаси гувоҳномага қайд этилган жойида муҳр йўқ.

Кўзга ташланган бу спи- гари камчиликлар ҳар бир тегишли командирга тушу- тирилиб, кўрсатмалар бе-

### Сабоқлар учун замин

рилди. Ахир, гап камчилик излаш ёни топишда эмас, командирнинг назаридан биров четда қолган жиҳат- лар бўйича маслаҳатлар, тавсиялар беришда. Комис- сия аъзолари таркибдаги офицерлар ҳам ана шу ме- зон бўйича ҳаракат қили- шиб, камчиликларни бар- тараф этиб, ютуқлар сари бориш йўл-йўриқларини кўрсатишди.

Катта лейтенант Нодир Жўраев командирлик қила- ётган взвод жисмоний тай- ёргарликлардан ҳам қис- мада паст натижаларни қайд этди. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги комиссияси ва- кили капитан Баҳодир Тўх- таназаровнинг берган маъ-

лумотига кўра, катта лей- тенант Шухрат Тожибоев етакчилигидаги жамоанинг ҳам мазкур тайёргарликдан натижалари талаб дара- жасида деб бўлмади. Жисмоний тайёргарлик бо- бида энг яхши гуруҳ деб лейтенант Улугбек Очилов жамоаси эътироф этилди. Айниқса, гуруҳда шартно- ма бўйича хизмат кичик сержантлари — Х. Мукар- рамов, О. Пардаевларнинг эришган ютуқлари сафдош- ларини ҳам илгорликка даъ- ват этди. Шу ўринда шах- сий кўрсаткичлар бораси- даги натижалар хусусида ҳам тўхталасак. Лейтенант- лар — Д. Мансуров, С. Алимжоновларнинг қони-

қарсиз баҳоларини нима билан изоҳлаш мумкин? Ёш, бунинг устига қисм қў- мондонлиги таркибда хиз- мат қила туриб, жисмоний тайёргарликдан бундай натижаларни қайд этиши, уларнинг жанговар шайлик- нинг муҳим мезони бўлган ушбу машғулотга эътибор- сизлигидан бўлса керак. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Т. Эшқулов, Н. Қирғизов, А. Мисировлар ҳам замона- вий армия талабларини ях- ши билишмайди, шекилли. Акс ҳолда мазкур тайёр- гарликдан қониқарсиз на- тижаларни қайд этишмас- ди-да. Сержантлар армия- миз суянчи, таянчи деб эъ-

тирфб этилаётган бир пайтда улар бу масъулиятни наҳотки ҳис қилишмасе.

Бу борада қисмда капи- тан Элдор Исабековни бар- чага намуна қилиб кўрсатса бўлади. Ёни бўлмаса шарт- нома бўйича хизмат кичик сержант О. Пардаев, од- дий аскар Ш. Қорабоблар жисмоний тайёргарлик машғулотида нафақат аъло баҳога эришишда, балки шахсий биринчиликда энг юқори кўрсаткичларни қайд этишди.

Уйлаймизки, синовлар хатолардан хулоса чиқа- ришга, ютуқларнинг лиги доволарини эгаллашга за- мин яратади.

**Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.**

### СИНОВ МАШГУЛОТЛАРИДАН

## Камчиликларни бартараф этиб

Подполковник З. Садрид- динов командирлик қилаёт- ган тўпчилар қисмида си- нов машғулотларининг ик- кинчи куни жисмоний тай- ёргарлик бўйича текширув- лардан бошланди.

Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Миржалол Гафуров шундай деди:

— Шахсий таркибимиз уч километрлик масофага югуриш бўйича яхши нати- жаларга эришди. Деярли барча белгиланган вақтда финишга етиб келишди. Текширувчилар капитан Ғайрат Қурбон, катта

лейтенантлар — Равшан Раҳматуллаев, Владимир Печанин, Фазлиддин Раҳ- монқулов, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Шерзод Шарипов, Олим Қурбон, сержантлар — Гулмамат Зайниддинов, Фа- хриддин Зиёдуллаевларнинг жисмоний тайёргарлиги ай- ниқса бошқаларга қараган- да анча баланд эканлигини қайд этишди.

Бошқа тайёргарликлар- дан ҳам натижалар ёмон бўлмайди, деган умиддамиз. Бундай дейишимга асосим бор, синовларга жиддий тайёргарлик кўрганмиз. Жисмоний тайёргарлик кў- риғи ниҳоясига етгач, жан- говар техник, қурол-аслаҳа кўриғи бошланиб кетди. Текширув комиссияси аъ- зоси, подполковник Бахти- ёр Қирғизов бизга қуйида-

гиларни ҳикоя қилиб берди: — Якуний хулосалар чи- қаришга ҳали эрта. Бироқ биринчи таассуротлар кўн- гилдагидек. Жанговар тех- никанинг шайлик ҳолати тўғрисида текширувлар ни- ҳоясига етгач, бир фикрга келамиз. Хужжатлар ма- саласига келсан, айрим майда-чуйда камчиликлар кўзга ташланапти. Бизнинг вазифамиз ҳолисо-

на текшириш ва кам- чиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатиш.

Аста-секинлик билан си- нов машғулотлари авжига чиқаяпти. Текширувчилар белгиланган йўналишлар бўйича шахсий таркибни си- новдан ўтказишга, хулоса чиқаришгапти. Уларнинг ху- лосалари кўрсаткичларда анс этипти. Бу кўрсаткич- лар йиғилиб, жанговар шай- ликнинг қай даражада экан- лигини белгилаб беради.

**Подполковник Абдураззоқ ОБРУЕВ, «Ватанпарвар» мухбири, Каттақўрғон гарнизони.**

### Натижалар чакки эмас

Подполковник Рустам Юл- дашев сардорлик қилаётган алоқа батальони шах- сий таркиби ҳам қисмда ўқув мавсумининг синов маш- гулотларини кўтаришга қай- фиқатда бошладилар. Мақсад эса машғулотларни фақат яхши ва аъло баҳоларга топ- шириш. Бу ерда Мудофаа вазирлигидан майор Тўлқин Исроилов бошчилигидаги масъул комиссия аъзолари белгиланган режага муво- фиқ барча тайёргарликлардан шахсий таркибни талабчан- лик билан синовдан ўтказ- мондлар.

Дастлабни натижаларга тўхталадиган бўлсан, ало- қачилар илк синов- ни саф кўриғи ва саф- да шахдам қадам ташлаб юришни текширишдан бош- лашди. Саф майдонидаги натижалар чакки эмас. Ал- батта, бу назорат комиссия- сининг синов бошланганидан кейинги биринчи хулосаси эди.

Қизғинлик билан ўтган си- нов машғулотларининг илк натижалари оддий аскар Нодир Юсулов учун муваф- фақиятли бўлди. Посбон йи- гит жанговар ва иктимой- сиёсий тайёргарликдан си- новларни аъло ва яхши баҳо- ларга топширди.

— Оддий аскар Нодир Юсуловни хизматга илк кел- ган кунлариданоқ яхши би- ламан, — дейди шартнома

### СИНОВ ИЛГОРЛАРИ АНИҚ МАҚСАД

бўйича хизмат кичик сержант Абдурашид Абду- раҳмонов. — Нодир наби йигитлар билан хизмат қил- ганда, ҳарбий хизматга адо- латли танлов мезонлари ор-

қали қабул қилиш ўзини на- қадар оқлаши аниқроқ би- линади. Ўқув мавсумида жиддий тайёрланган посбон йигит синов жараёнида ҳар томонлама ўзини кўрсатди.

— Ҳар қандай қилинади- ган иш аниқ мақсадга қара- тилса, ижобий натижалар беради, — дейди оддий ас- кар Нодир Юсулов. — Мен ҳарбий хизматга келишдан аввал ўз олдимга аниқ мақ- сад қўйганман, яъни, ҳа- лол, виждонан хизмат қи- либ, она юрт олдидаги йи- гитлик бурчимни бажариш.

**Назозат НОДИРШОҶОВА,**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Бир-биридан завқланиб

Шундай кўтаришга қай- фиқатда тантанали митинг бошланди. Уни Мудофаа ва- зирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полков- ник Маннобжон Аҳмедов очиб, сўзни Ўзбекистон Рес- публикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси ра- исси Светлана Иномовага берди. Шунингдек, аскар- ликка отланаётган ва ўз бур-

ротжон Қўзиев йиғилганлар ишончини оқлаб, яхши хиз- мат қилиш ва ёруғ юз би- лан қайтишни ўртоқлари номидан ваъда қилди.


Бизга таниш бўлиб қо- лган Раъно опа Абдуллаева- га ҳам минбардан гапириш насиб этди — опа оналар номидан ўғлонларга оқ фо-

Бердиев каби аълочи ас- карлар саф олдига шахдам қадам ташлаб чиқиб, сафга туришда «Ватанимга хизмат қиламан!», деганларида қар- саклар янгради.

Ўз бурчини ўтаб бўлган посбонлар, эндигина армия сафига жўнаётган пойтахт вилояти вакиллари, улар

ган, мана неварога ҳам наъ- бат келди.

— Зиёддон катта ўғлим, — деб давом эттирди суҳ- батни аскар отаси Тоҳир Эрнабобов. — Укаси Фаррух ҳам ўн еттига кирди, на- сиб бўлса, уни ҳам жўна- тамиз. Акаси милиометчи бўлган экан, яхши хизмати



чини ўтаган ўғлонларга ўз ээгу тилакларини халқ шои- ри, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, республи- на «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадоибоев, «Камолот» ёшлар иктимой ҳаракати раҳбари Ботир Убайдуллаевлар йўллади- лар.

Тадбирнинг асосий қаҳра- монлари ҳам сўзга чиқибди — резервга бўшаётган Сурхон воҳаси ўғлонлари номидан оддий аскар Бен- зод Оролов армия сафлари- га келиб қўшилаётган пой- тахт вилояти вакилларига хизматларида ютуқлар ти- лаган бўлса, ёш аскар Ба-

тиҳасини бериб, юртимиз мудофаа қудратини мустаҳ- камлашларига ишонч бил- дирди.

Тантанали йиғилиш ниҳо- ясида Тошкент вилояти му- дофаа ишлари бошқармаси томонидан армияга жўнаёт- ган аскарларга совғалар топширилди. Резервга бў- шаётган сурхондарёлик ас- карларнинг бир гуруҳига Светлана Иномова ва сеvimли шоиримиз А. Орипов кўмон- донлик номидан олий ўқув юртларига кириш учун им- тиёзлар берадиган тавсия- номаларини тақдим этишди. Ғайратбек Бозоров, Фай- зулло Норматов, Баҳриддин

билан бирга бир гуруҳ жур- налистлар ҳам узоқ Тер- миз гарнизонига қараб учиди. Юртимиз жанубий сарҳадларида кимлардир яқинларини бағрига босди, кимлардир эса командир- лари билан биргаликда би- ринчи хизмат жойига бо- ришди.

Шу куннинг ўзида Тер- миздан келган самолёт би- лан бир гуруҳ пойтахт ви- лояти вакиллари қайтишди.

— Резервга бўшаган не- варам Зиёддонни кутиб олдим, — дейди оҳангарон- лик Фотима буви. — Бешта ўғлим ҳаммаси аскар бўл-

ушун биринчилар қаторида резервга бўшатишди.

Шунингдек, юнусободлик Саидмурод Мусоев, Мир- зор Улугбек туманидан Баҳ- ром Ишматовлар онлаларида бугун катта тўй — аскар армиядан келди. Илойим, тўйлар бўлаверсин!

**Майор Аблай КАМОЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири, Подполковник Ярослав КОРУКА олган суратлар.**

(Термиз гарнизонидаги тадбир ҳақида — газетамиз- нинг навбатдаги сонда ўқийсиз).

**Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.**





# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

● ЭТО ИНТЕРЕСНО

## Курьезы мира финансов

Английский журнал «Эккаунтинг уорлд» («Бухгалтерский мир») опубликовал в фиднасам и денежному обращению, имеющих отношение к фиднасам и денежному обращению.



году. Редкий пенс выпуска 1933 года обошелся одному нумизмату в 18975 современных фунтов стерлингов.

На Гавайях еще недавно существовал закон, запрещающий вставление монеты в уши. Необходимость такого закона становится понятной, если учесть, что туземцы нередко делали из монет серьги, что подрывало денежное обращение.

Самая маленькая банкнота выпускается министерством финансов Румынии в 1917 году. Билет в 10 бань имел размеры 27,5 на 38 миллиметров.

В 1797 году в Англии был введен налог на часы: каждый, имеющий часы, должен был платить в казну ежегодно пять шиллингов. Хозяйка трактиров тут же стала выставлять часы в своих заведениях, чтобы привлечь посетителей, вынужденных из-за непомерного налога продать свои часы. Налог был столь непопулярным, что уже в следующем году пришлось его отменить.

Подготовил Петр НАГОРНЫЙ.

В Англии ежегодно выпускается в 30 раз больше, чем в Японии, и в 30 раз больше, чем в ФРГ. Число дипломированных бухгалтеров в Англии сейчас больше, чем все население республики Кирибати (небольшой остров в Тихом океане).

Рекорд инфляции поставила Бразилия в 1975 году — свыше 8000 процентов.

Смиритель Баварии Максимилиан II был свергнут в 1704 году за то, что проиграл государственную казну на билльярд.

Самая дорогая из британских монет была продана с аукциона в Лондоне в 1985

● БУ АЖИБ ДУНЕ

## 1069 — бу ҳам исм

Кенг тарқалган фамилияларнинг ўзига хос нуқулай томонлари ҳам бор. Туркиядаги Барзан кишлоғининг аҳолиси уйчалик кўп эмас. Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди. Аммо кишлоқдаги Мустафо Вейсал номига келган хатни почтачи майдонга чиқибни аниқлаб овозига эътибор қилиб, унинг кимга тегишли эканлигини билиб олишга мажбур. Негаки бу кишлоқдаги 42 кишининг исми Мустафо Вейсал экан.

Лондонда эса Такси дега фамилия ҳам бор. Унинг уйда нечасио кундузи телефон жиринглаб туради. «Вайрам кунлари, айниқса Янг йил арафасида менга жуда қийин, — дейди унинг ўзи. — Менинг авлодим 800 йилдан бери шу фамилия билан яшаб келган. Шунинг учун ҳам мен ўз фамилиямни ҳеч ўзгартирмайман».

АҚШдаги бир фуқаронинг фамилияси эса — 1069. Бир неча йил илгари уни Михаэль Герберт Денгел дейишар ва у ФРДа яшар эди. Америка фуқаролигига ўтгач, бир йўла фамилиясини ҳам ўзгартаришга қарор қилди ва фамилияси учун сонларни танлади. Тез орада 1069 ўз фамилияси билан фақат қўшничилигига эмас, балки кўплаб идоралар — банк, нафақа сугуртаси бўлими, телефон алоқаси бошқармасида ҳам танилиб қолди. Фақат рағма штатдаги янги қарамас қарши чиқди. Улар «рағмали» фамилияга ҳайдовчилик гувоҳномаси ёзиб беришди. Узоқ торттишувлардан сўнг у ўзини 1069 деб номланиши мумкинлиги, лекин у рағма билан эмас, балки ҳарфлар билан «Бир ноль олти тўққиз» дейилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

◆ РЕКЛАМА ◆ 56-54-76 ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 20 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:


1 АҚШ доллари	1004,43
1 евро	1203,31
1 Валюта қийматини белгилаш чоғида	Узбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки олимаган,

КУПЛЮ

● Дорого: нагрудные значки, марки, монеты, открытки. Т.: 68-49-19.

● Дорого старину: часы бронзовые и серебряные изделия, мебель. Т.: 68-49-19.

● Холод; шв. маш., ТВ, в/маг., газ, пл., БК, велосип., ст. маш. Т.: 74-95-15, 75-59-73.



## АНТИБИОТИКЛАР

1928 йилда олим Александр Флеминг очиқ ойналда қолдирилган стафилококк бактериялари билан касалланган намуналардан бирига могорлаган пенциллин замбуруғи юққанга эътибор берди. Флеминг намунани микроскоп остида синчковлик билан текшириб, могор бактерияларни йўқ қилаётганини сезди. Флеминг тадқиқотининг жуда катта аҳамиятга эгалиги 1940 йилда янги анти-

● ИХТИРОЛАРГА АЙЛАНГАН ХАТОЛАР

биотик дорилар тадқиқотлари бўйича катта ишлар олиб борилганида аён бўлди. Ҳозирда антибиотиклар тиббиётда жуда кенг қўлланилади. Улар дунёда соғинаган дориларнинг 15 фоизини ташкил этади.

ўздан тўлқин таратувчи асбоб ёнидан ўтди ва чўнтагидаги шоколад эриб кетганини билди. Бир қанча тажрибалардан кейин 400 кг оғирлиқтаги биринчи кичик тўлқинли иситкичи кашф этилди. Уни

## КИЧИК ТЎЛҚИНЛИ ИСИТГИЧ

(Микроволновка)



Таниқли тадқиқотчи Перси Спенсер кашфиётлари учун 120 дан зиёд патент олган, жаҳондаги энг катта компания «Рейтеон» номи хадбий-насоат комплекси қирим тасодиф тўлқинли кичик тўлқинли иситкич яратувчисига айланди.

1945 йилда жаҳон уруши низоъси арафасида у радар қиримлари сифатини яхшилашга қаратилган тажрибаларни ўтказди. Спенсер тажрибалар пайтида

овқат тез иситилиши зарур бўлган ресторан, самолёт ва кемаларда ишлатилиши таъмин қилинган эди.

А. САЛИХОВА тайёрлади.

## ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

Мутахассисларнинг таъкидлашларича инсон иш фаолиятининг 90 фоизини кўз иштирокида амалга оширилади ва кўз бир дақиқада 120 марта турли нуқталарга қаралади.

«Одам организмидagi энергия қанча тез сарфланса, организм шунча тез кенсайиб боради».

Германия инсон организмнинг кенсайиши муаммоларини ўрганишчи илмий тадқиқот лабораторияси олимларининг фикрига кўра инсоннинг еб-ичишию, этиштириши, қисқаси, бутун фаолияти унинг умри аян ёки қисқа бўлишига албатта, таъсир этади.

Игна бундан ўн минг йиллар аввал пайдо бўлган. Дастлаб у суяқдан, бронзадан, кейинчалик темирдан ишланган. Бадавлат одамлар эса кумушдан қилинганларидан фойдаланганлар. Пулатдан ясалган дастлабни игнани Европага араблар олиб келишган. XVI асрда Францияга сим қўзғидиган машинанинг кашф этилиши игнатўғноғич яёшда катта енгиллик бўлди.

Дазмол ҳақидаги маълумотлар XVII аср адабиётларида учрайди. Утган асрнинг охирида дазмолнинг бир неча хили уйлаб топилган: газ, кўмир, спирт, буг, неросин билан, ҳатто қуёш нурида ишлайдиган дазмоллар бўлган.

## А ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ, ЧТО...

Многие литературные герои увековечены в скульптуре. Так, в Мадриде стоит бронзовая группа — Дон-Кихот на своем коне Росинанте и его верный оруженосец Санчо-Панса на осле; в г. Ганнибале (США) установлен памятник Тому Сойеру и Гекльбери Финну; в Копенгагене на огромном камне сидит «Русалочка»; героиня сказки Андерсена; в итальянском селешии Коллоди есть памятник деревянному мальчику Пипонкино, герою книги Коллоди, известного у нас под именем Гураттино.

Н. НИКОЛАЕВ.

## КОЕ-ЧТО ИЗ ЖИВОЙ ПРИРОДЫ


Каракаитица — не только одна из лучших пловчих оека, но и живой прототип реактивного двигателя. Вода высасывается ею в мантийную полость и выбрасывается оттуда через узкую трубку-соплю, приводит каракаитицу в движение.

Самые прожорливые: среди рыб — это пиранья, среди млекопитающих — гиены. Живая из 15 гней может за четыре часа создать крупное животное весом до двухсот килограммов, причем хищники перемалывают своими крепкими зубами и кости, так что от жертвы остаются только рога и зубы.

Раки не только ходят, но и плавают задом наперед. Гребет рак водостром, попеременно выпрыгивая его и с силой подгибая под брюшко, загребая воду. При такой схеме гребли, естественно, возможен лишь задний ход.

Подготовил Николай ЧУРСИНОВ.

## ● ТУРМУШ ГАРОИВБОТЛАРИ



## КЕЛИНЛАРНИ БОҚИШ КЕРАК

Нигерияда маҳаллий қизлар ўта турлиги билан ажралаб туриши сабабли, мамлакатнинг энг гўзал қизи ўз параметрлари (ўлчамлари) бўйича Европалар гўзаллиги стандартларига мос келмайди.

Нигерияда дўбоқлик ёш келинлар учун мажбурий талаб ҳисобланади. Ота-оналар қизларининг оғирлиги охири боришини синчковлик билан назорат қилиб борадилар. Тўй арафасида эса қизлар тўққиз ой муддатга жамиятдан алоҳида ажратилади ва махсус юқори калорияли парҳезда ушланади. Келинлар бир кунда беш маҳал тўйиб овқатланадилар ва уйдаги катта ёшли аёллар тажрибасини ўрганадилар.

## БИР ИУЛА...

Ҳиндистоннинг Лунноу шаҳрида яшаётчи 27 ёшли йағир уйланиши. Хўш, ниима бўлибди, ҳамма ҳам уйланиди-ку, дейсизми? Тўғри, аммо у бирвараканга иккита хотин олапти-да...

Ҳиндларда кўп хотинлик тартиқланган, бирон Амарата Верма дуч келган ҳолат ўзгача.

Бўлажак қайнога Сохан Лал қуёв бўлиши Амарата 18 ёшлиқ қизи Раджанини беришга рози, бирок шартини шуки, қуёв бир йўла унинг опаси бўлиши Притига ҳам уйланишга рози бўлса...

Қизларнинг отаси «агар оламдан ўтиб қолсам, мажруҳ қизим Притига ҳеч ним гамхўрлик қилмаслиги мумкин», деб хавфсизра сабабли шундай шарт қўйишга мажбур бўлган.

Қуёвнинг ўзи эса, қариқдошларининг айтишича, бундан жуда мамнун. Унинг таъкидлашича, ўз мажбурият билан бир қаторда унинг опасига ҳам уйланиши савоб иш бўлган экан.

Ҳинд қонунлари уйланиш қилишига иккинчи марта уйланиши тақиқлайди. Бироқ, эркак киши бир вақтинг ўзида икки аёлга уйланиши бозасида қонунида ҳеч нарса дейилмаганлиги сабабли бу тўй албатта бўлиб ўтади. Бунинг устига, агар биринчи хотин ҳеч қандай шикоят қилган чикмаса, кўп хотинлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас...

## УЙЛАНИШНИНГ ЗАРАРИ ВА ФОЙДАСИ

Янги Зеландиянинг Кантерберги шаҳри университетини доктори Сатоши Канадзава 280 та буюк олимларнинг таржиман ҳолини таҳлил қилиб чиқди ва уларнинг деляри бирчаси ўз буюк кашфиётларини уйланишларидан олдин амалга оширганликларини аниқлади.

Шунингдек, олимларнинг учдан икки қисми фаанга ўз ҳиссасини 30-35 ёшдагида қўшганлиги ҳам аниқланди. Ўз вақтида бу қонунийлигини буюк Альберт Эйнштейн ҳам таъкидлаган эди: «Агар сев ўттиз ёшгача фаан учун ҳеч нарса қилмаган бўлсанг, у ёнига ҳеч нарса қилолмайсан», — деган эди у 1942 йилда ўз шогирдларидан биярига.

Яна шуниси ҳам қизиқарлики, уйланиш киноячиларга ҳам ўзига хос таъсир курсатар экан: тўйдан сўнг уларнинг асарияти воқоуний фаолиятини тўхтатадиган.

**СПОРТ ХАБАРЛАРИ**

**МИНИ-ФУТБОЛ.** Мақолада ўтказилаётган мини-футбол бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этмоқда. Камбожа терма жамоаси спортчиларимиздан 13:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Шу кунги Фурқат Қудратов, Дилшод Доғиёров, Баҳодир Аҳмедов, Николай Одушев, Марсель Нигматжанов биттадан, Шухрат Тошнатов эса иккита гол киритди. Учрашувнинг ҳақиқий қаҳрамони Анвар Мамедов бўлди. Моҳир футболчимиз камбожалликлар посбонини олти мартаба ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилди. Рақиб жамоадан жавоб голини Тес Софат урди.

Учрашувда Баҳодир Аҳмедов томонидан киритилган тўп терма жамоамизнинг Осиё чемпионатларидаги олинчи голи бўлди. Ҳаммаси бўлиб Ўзбекистон терма жамоаси қитъа чемпионатида 24 учрашув ўтказиб, рақиб дарвозасини 105 мартаба аниқ нишонга олган. Ҳамюртларимиз бу кўрсаткич бўйича Эрон (402 гол), Таиланд (163), Жанубий Корея (156) ва Япониядан (145) кейин бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Камбожа устидан қозонилган галабадан сўнг футболчиларимиз ўз гуруҳида иккинчи ўринга кўтарилиб олди. Югдощларимиз биринчи ўйинда Индонезияни 1:0 ҳисобида енгган эди. Энди терма жамоа аъзолари 21 апрель кунги Сянган вакиллари билан беллашади.

**ПРОФЕССИОНАЛ БОКС.** Бир неча йил давомида ҳаваскорлар боксида юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган Темур Туляков жорий йилнинг февраль ойида профессионал боксдаги фаолиятини бошлаган эди. 17 апрель кунги АҚШнинг Майами шаҳрида ҳамюртимиз профессионал боксчи сифатида тўрт раундлик иккинчи жангини ўтказди.

Бу гал Темур Туляков Доминикан Республикаси боксчиси Рамон Геварага қарши рингга чиқди. Рамон ёш бў-

лишига қарамай, профессионал боксда ҳамюртимиздан кўпроқ жанг ўтказганди. Лекин Темур Туляков билан кечган жангда Рамон Геварага тажрибаси иш бермади. Маҳорат бобидан анча устун бўлган боксчимиз учинчи раундда рақибини нокаутга учратиб, муддатидан олдин галабага эришди.

**ФУТБОЛ.** 2006 йилда футбол бўйича Германияда ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун саралаш мусобақаларида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси учрашувларга жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Миллий терма жамоамиз «Пахтакор» марказий стадионида пойтахтнинг «Трактор» клуби билан синов-назорат учрашувини ўтказди.

Беллашувда ҳисоби «Трактор» футболчиси Р. Тешабоев очди. Лекин қисқа фурсат ичида терма жамоа аъзолари ташаббусни ўз томонида оғдирди. Учрашувнинг 30-дақиқасида «Бухоро» жамоаси вакили Шавкат Саломов ҳисобни тенглаштирди. Яна ярим соатдан сўнг «Қизилқум»дан терма жамоага тақлиф қилинган Алишер Ҳолиқов мураббийлар ишончини оқлади. У «Трактор»ни мағлубиятга учратган гол муаллифи бўлди. — 2:1.

**ЎСМИРЛАР — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ**

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Непал пойтахти Катманду шаҳрида ташкил этилган «Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) футбол фестивали»да муваффақиятли қатнашди.

Олти жамоа иштирок этган халқаро турнирда ҳамюртларимиз Туркманистон терма жамоасини 5:0, бутанлик ва покхистонлик тенгқурларини бир хил — 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мусобақа мезбони ва голиби — Непал ўсмирлар терма жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, хиндистонликларга 3:1 ҳисобида имкониятни бой берган футболчиларимиз иккинчи ўринни эгаллади.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎзА мухбири.

**ТЕЛЕАНОНС**

**«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»**

2 майда соат 10 да Ўзбекистон телевидениеси биринчи каналда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳарбий студияси тайёрлаган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдагисини томоша қиласиз.

Ушбу кўрсатувда Қуролли Кучлардаги хизматини ўтаб, резервга бўшаётган аскарларни ва армия сафларини тўлдирётган қақрилувчиларни кузатиш тадбирларига бағишланган лавҳалар. Ватанимиз юксак мукофотларига эга бўлган посбонлар ҳақида ҳикоялар, томошабинлар эътиборини қозонган доимий рўкнлар остидаги сюжетлар ўрин олади.

Шунингдек, кўшинларнинг ёзги ўқув мавсумига тайёргарлиги ҳам кўрсатувда батафсил ёритилади, ёш аскарларнинг ҳарбий жамоаларга кўниккиш жарағини қандай ўтаётганига ҳам эътибор қаратилади.

Кўрсатувнинг такрорий намойишини сешанба, 4 май кунги, соат 16.55 да кўришингиз мумкин.


Ўз мухбиримиз.

**ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 45**

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 5. Ватикан, 6. Траверз, 10. Чудак, 11. Дефис, 12. Армстронг, 15. Август, 18. Кредит, 19. Потомок, 20. Верста, 21. Фортуна, 25. Лесоруб, 26. «Сантос», 27. Дикарь, 31. Ломоносов, 33. Шинюк, 34. Закон, 35. Гандбол, 36. Комбайн.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Таран, 2. Аккорд, 3. Замена, 4. Орден, 7. Журавль, 8. Котелок, 9. Пианино, 13. Аспарухов, 14. Градусник, 16. Моралес, 17. Рогозуб, 22. Гвардия, 23. Полуночи, 24. Хоровод, 28. Голубь, 29. Хоромы, 30. Томат, 32. Набир.

**КРОССВОРД**



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Лотерейное действие, 5. Огородное растение, 9. Селение в Азии, 10. Красивая фигура (книжн.), 11. Пустая болтовня (разг.), 12. Великая балерина, 15. Старинная золотая монета, 18. Копченость, 19. Автоматический, 21. Лайнер из кинокомедии «Бриллиантовая рука», — «Михаил ...», 22. Крестьянское селение, 25. Рассказ А. Н. Толстого, 26. Командная игра, 27. Думал, и в суп попал, 31. Цирковая профессия, 35. Душевный склад, 36. Пустыня в Монголии, 37. «Хоть видит ..., да зуб неймет» (посл.), 38. Ягода, 39. Любимое дерево коалы.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Здрoвый ... (книжн.), 2. И денежный, и внимания, 3. Музыкальный инструмент, 4. Вероятность успеха, 5. ...-опрос, 6. Развязная смелость, 7. Пекло, зной, 8. Коллега (син.), 13. Свечной постамент, 14. Почти что бесплатно, 16. Оружие оговорщика, 17. Кирасир по способу передвижения, 19. Место пассажира в вагоне, 20. Хлопчатобумажная или шелковая ткань, 23. Русский писатель, 24. Певец-профессионал, 28. Небольшой общественный сад в городе, 29. Резкий возглас, 30. Сын Адама и Евы, 32. Жалыщее насекомое, 33. Столетник, 34. Город-курорт.

Составила З. ИСАКОВА.

**АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ**

**ОВЕН.** Появится возможность исправить некоторые ошибки. Успех на работе будет зависеть от искренности урилагаемых усилий и аккуратности в выборе слов. Важно сохранять равновесие и контролировать свои эмоции. Воздержитесь от важных общественных начинаний. Держите свои идеи и планы при себе. Возможен прилив энергии и творческий подъем.

**ТЕЛЕЦ.** Вы близки к тому, чтобы достичь вершины. Трудности только раззадорят, будут являться стимулом к развитию. Может озадачить интересная информация, не спешите с принятием решения. Произойдут важные события, позволяющие воплотить планы и замыслы в жизнь. Могут быть завершены повседневные дела. Займитесь собой.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Не стоит расслабляться. Придется сосредоточиться. Будьте внимательны к новостям, одна может открыть новые возможности. Необходимо проявить решительность. Может быть небывалый подъем работоспособности, многое можете успеть сделать.

**РАК.** Время рекомендуется провести в неге, пользуясь плодами успехов. Новые предприятия можно начинать со вторника. Везение

по мелочам станет причиной оптимистических настроений. Оставьте бесполезные проблемы в прошлом. Постарайтесь оградить себя от бесполезных разговоров и ненужных контактов.

**ЛЕВ.** Дни располагают к гармонизации отношений с начальством. Нежелательно отклоняться от намеченных целей. Может появиться желание быть впереди всех, будет много шансов. В некоторых ситуациях постарайтесь проявить такт и терпение. Коллеги и друзья это оценят по достоинству. Среда — день долгожданного подъема работоспособности. Четверг и пятница будут наполнены приятными известиями.

**ДЕВА.** Близкие по достоинству оценят достижения. Предстоит жаркая неделя. Постарайтесь не оттолкнуть нужных людей. Планируйте важные дела, встречи, решения проблем на первую половину недели. Желательно проявить ответственность и не гнушаться разгребанием мелких проблем. Будут удачными поездки и командировки. Будьте осторожны при общении с деловыми партнерами.

**ВЕСЫ.** Неделя начинается легко и удачно. Лучше смотреть на происходящее с пессимистической

точки зрения. Неделя доставит неожиданное удовольствие приятными моментами. Постарайтесь уделить больше времени активному отдыху. При необходимости, можете рассчитывать на помощь друзей. Среда принесет интересную информацию. Могут открыться блестящие перспективы. Проявите решительность и уравновешенность.

**СКОРПИОН.** Не топчитесь на месте, соберитесь с силами и продвигайтесь вперед. Желательно не увеличивать рабочую нагрузку. Займитесь собой. Отложите встречи и постарайтесь свести к минимуму общение с окружающими. Могут порадовать новые события, которые изменят к лучшему положение дел на работе.

**СТРЕЛЕЦ.** Не следует спешить с выводами и тем более — с решениями. Прислушайтесь к голосу своей интуиции. Неделя будет удачна для поисков работы и налаживания деловых отношений. Будут замечательно получаться планы на ближайшее будущее. Постарайтесь не допустить споров. Результаты напрямую будут зависеть от трудолюбия. Родственники могут озадачить проблемами.

**КОЗЕРОГ.** Оптимизм позволит

справиться с проблемой. Всю неделю будет сопутствовать легкость позволяющая виртуозно преодолевать возникающие препятствия. Неделя способствует заведению полезных знакомств и получению важной информации. Понедельник посвятите построению новых планов и замыслов. Посоветуйтесь с друзьями, если будет необходимо принимать серьезное решение.

**ВОДОЛЕН.** Остерегайтесь скропалительных решений. Можете стать жертвой недобросовестного партнера. Будьте сдержаннее в проявлении эмоций. Понедельник будет удачен для начала новых и важных дел. Лучше воздержаться от крупных начинаний. Желательно не планировать встреч. Понадобятся такие качества, как решительность и активность.

**РЫБЫ.** Не спешите строить жесткие планы и строго следовать им. Время благоприятно, чтобы спокойно плыть по течению. Дела на работе будут складываться удачно, что позволит многое успеть. Можно рассчитывать на помощь друзей. Придется отстаивать идеи, доказывая их реалистичность. Выходные посвятите дому или своему любимому. Займитесь самообразованием и самосовершенствованием.

Бош муҳаррир  
полковник  
Ирисмухаммад  
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.  
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:  
Обуна бўлими — 56-03-46.  
Маълумот, реклама — 56-54-76.  
Факс (3712) — 56-07-80.  
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.  
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп этилди.